



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 июн, чоршанба № 74 (721)

**СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

## Касаба уюшма ҳаёти: ҳисобот ва сайловлар МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН

Ҳисобот-сайловлар ҳар бир жамоа учун ўзига хос имтиҳондир. Пухта тайёргарлик қўрилган, танкид ва ўз-ўзини танкид руҳида ўтказилган йиғилишлар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Маърузачилар ўзларини тўқинланган масалалар атрофида эмин-эркин фикр юритиб, қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлайдилар. Улар умумлаштирилиб, тadbирларда ўз ифодасини топса жамоа учун қимматли қўлланма бўлади.

Бухоро туманидаги марказий шифохонада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Олий Махлуси XIV сессиясидаги маърузасида илгари сурилган долзарб вазифалар атрофида алоҳида гап борди. Бу ерда 1790 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Шулардан 1425 нафари хотин-қизлардир. Эришилган ютуқлар, қувончи ўзгаришлар аввало истиқлол шарофатидир. Ҳозирги кунда туман ҳудудида 220 ўринли шифохона, 3 та поликлиника, 37 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та пулли хизмат кўрсатиш бўлими ишлаб турибди.

Маърузачи ҳамда музокарада қатнашганлар Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини баҳарий юзасидан аниқ тadbирлар амалга оширилганини алоҳида таъкидладилар. Шу мақсадда 9 кишидан иборат комиссия ибратли фаолият кўрсатиб келмоқда. Сунъий пули, ёш оналарга бериладиган бошқа нафақалар ўз вақтида топширилмоқда. Моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини тузиш, уларни фуқаролар йиғини ҳуқуқи ҳавола этишда ҳам шифохона касаба уюшма кўмитаси хулосасига амал қилмоқда. Бу англашармоқчилик ва норозиликларнинг олдин олмоқда. Маърузачи — шифохона касаба уюшма кўмитаси раиси Х.Мухаммедова янги аъзоларнинг жорий этиш, турли мусобақалар уюштириш, маданий тadbирларни режалани амалга ошириш борасидаги ишлар маънавий-психологик муҳитни яхшилаганини, меҳр-оқибатни қучайтирилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан «Мохир ҳамшира» танловининг фаол қатнашчилари Наргиза Абдуллаева ҳамда Сакина Ҳасановаларни муносиб тарзда тақдирлаш кечаси барчада катта таассурот қолдирди. Ёш тиббиёт ходимларида ишга бўлган қизиқиш, иштиёқ, масъулият ортди.

Нотиклар ижтимоий ҳимоя масаласи ҳисобот даврида анча жонланганлигини эътироф этдилар. Бултур 20 га яқин оила фарзандлари учун белул ўқув қуроллари олиб берилган бўлса, жорий йилда савобли ишлар қўламини икки хисса кенгайтириш билан мураккаб шартларда ишлаган аёлларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Масалан, уларга ҳар кун сут берилмоқда, саломатликларини доимий равишда тажрибали шифокорлар томонидан текширилиб борилапти. Шунингдек, мураккаб шартларда фаолият юритаётганлар махсус кийим-кечак билан таъминланганлар.

Касаба уюшма аъзолари имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштириш масканлари, дам олиш уйларида бўладилар. Жорий йилнинг биринчи ярмида юз нафардан ортиқ кишига мана шундай имконият яратилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида камчиликлар ҳам рўйроқ кўрсатиб ўтилди. Баъзи шифокорларда масъулият ҳисси кутилганидек эмас. Долзарб масалаларни мутасаддилар олдига кўндаланг қўйиш, уларни ижобий ҳал этишда шифохона касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг фаоллиги сезилмаётди. Автотранспорт хизматини йўлга қўйишда ҳамон қийинчилик сезилмоқда. Баъзи ходимлар ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқшунослар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш юзасидан белгиланган тadbирлар ҳар доим ҳам изчил амалга оширилмайди. Равшанки, касаба уюшмаларининг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг аҳамиятини меҳнатқашлар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Бу борадаги ишларни жонлантириш даркор.

Ишчанлик ва талабчанлик вазиятида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни талаблар даражасига кўтариш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди.

**У. НАВРЎЗОВ,**  
«Ишончи» мухбири.

## МАСЛАХАТ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ҳалқимиз катта қизиқиш билан кутиб олганди. Кунинча давлатимиз раҳбарининг «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги» Фармойиши ва Маслаҳат кенгашининг таркиби эълон қилинди.

Вазирлар Маҳкамасида Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори Ҳ.Кароматов олиб борди.

Йиғилишда Маслаҳат кенгашининг мақсади ва вазифалари муҳокама этилди. Профессор-исломшунос Н.Комилов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Фуломов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етувчи мутахассислар этиб тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Бу борада жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассас-

саларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда Маслаҳат кенгаши йўл-йўриқ ва тавсиялар ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур Маслаҳат кенгаши раиси А.Мансуров йиғилишда сўзга чиқди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев қатнашди.

Шу кунги Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги» Фармойишига биноан ташкил этилган Тошкент ислом университети Ҳомийлар кенгашининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ташқи ишлар вазири, мазкур кен-

гаши раиси А.Комилов олиб борди.

Ислам университетининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, унда дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш учун ҳомийларни, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш, хориждан соҳанинг етувчи мутахассисларини таклиф қилиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳомийлик ишига республикамиздаги бир қанча вазирлик ва идоралар ўз хиссасини қўшаётгани таъкидланди. Бу борада «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Адлия вазирлиги, Фан ва техника давлат кўмитаси, Фанлар академияси ва унинг Шарқшунослик институти ва бошқа ташкилотларнинг ишларини ташкиллаштиришга қўшадиган хиссаси ва вазифалари келиштирилди. Бу борада барча таклифларни ўрганиб чиқиб, ягона дастур ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўланов қатнашди.

(ЎзА)



**«Ишончи» танловига Уфурар кўзларда иқбол нафаси...**

**А. ТУРАЕВ** олган сурат.

## Ҳашар — элга ярашар

Икки ой деганда Кириқ тумани марказида икки қаватли мухташам бино қуриб битказилди. Ушбу маъмурий иншоот туман матлубот хиссасдорлик жамиятига қарашли. У ҳашар йўли

## ҲИММАТИ БАЛАНД КИШИЛАР

билан бунёд этилди. Бунда бундангига касаба уюшма кўмитаси раиси Хурсанд Шаймаоновнинг хиссаси катта бўлди. У қурилиш ишларига ўз ҳисобидан 300 дана шифер келтириб берди.

Хайрли ташаббусга қўшилган қурувчи Хушбўқ Топшуловот бир миллион сўмлик қурилиш анжомларини топиб келишга сўз берди.

Хиссасдорлик жамияти раисининг ўринбосари Расул Мирзаев 600 минг сўмлик, бош хиссасдор Абдураҳмон Бобоқулов 28 та плита, хўжалик моллари дўкони муdiri Сафар Маматқулов 310 минг сўм, хиссасчи Абдулла Муртазоев эса бутун электр жиҳозлари билан таъминлашни зиммаларига олишди. Қисқаси, оддий ишчидан тортиб раҳбаргача қурилишга улуш қўшадиган бўлди.

Яхши ният билан бошланган маъмурий бино бугун туман марказига қурқ бағишлаб турибди.

Ўз мухбиримиз.

## ҚИЛМИШЛАРИГА ПУШАЙМОН БЎЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 22 нафар шахсга нисбатан очик суд жараёни давом этмоқда. Бу шахслар шу йилнинг 16 феврал кунини Тошкент шаҳрида Президент ва давлатнинг бошқа раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқдалар. Олий суд раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида ўтаётган ушбу суд мажлисида жабрланувчиларнинг яқинлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари иштирок этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суд жараёни одил судловнинг барча қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилапти. Бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар суд мажлисини юқори савияда, тинч-осуда ва самарали ўтишини таъминлаш имконини бермоқда.

8 июн кунини давом этган суд мажлисида судланувчи Қажрамон Ниёзмухамедов кўрсатма берди.

У суд жараёнида ўзининг жиноий шериклари - Тошкентда террористик актларини содир этишда қатнашган Улуғбек Бобоқулов ва Лазиз Қайюмовларга ўз уйида бир неча кун туришга паноҳ бериб, хизматига бўлгани ҳамда қидирувда бўлган ушбу шахсларни Қозғонистон орқали Қирғизистон ва Тожикистонга ўтиб кетишига қўмақлашганини тан олиб, ўз айбига тўла иқдор бўлди.

Судланувчи Қозим Зокировнинг укаси Хусанбой Зокиров ҳам судда берган кўрсатмасида ўз айбига иқдор бўлди. У ҳуқуқни муҳофаза этиш идорасининг собиқ ходими бўла туриб, жиноий уюшмага аъзо бўлиб қирган ва унинг таркибиде бўлган қуролланган гуруҳ аъзоси сифатида фуқароларнинг уйига босқинчиликда қатнашган.

Айбланувчилардан Хотам Назаров, Орифжон Алимов ва Талъатбек Нуралиевлар ҳам судда кўрсатмалар бер-

ди. Улар жиноий уюшманинг манфаатларини қўзлаб бир қатор босқинчиликларни содир этганликда айбланадилар. Одамларнинг уйларига қурол билан бостириб кириб, беғуноа кишиларни ўлдириб, тан жароҳати етказиб, қимматли мол-мулкни ўғирлаб кетиш жиноий гуруҳнинг оддий ишига айланган эди. Судланувчиларнинг берган кўрсатмасига қараганда, босқинчиликдан топилган маблағлар қамалиб қолган ёки қилган жиноятлари учун жавобгарликдан қарорларгадир қочиб кетган шерикларнинг оила аъзоларига ҳамда Афғонистон, Чеченистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган харбий лагерларга юборилган ва террорчиликни ўрганаётган ўзбекистонлик йигитлар учун сарф қилинган.

Судланувчилар Ўзбекистон Президентидан ва халқимиздан қилган айблари учун кечиринларини сўради.

Юқорида номлари зикр этилган жиноий шахсларнинг деярли ҳаммаси динни ниқоб қилиб олиб, асл нияти қон тўкиш йўли билан бўлса ҳам ҳокимиятнинг эгаллаб олмоқчи бўлган қимсалар томонидан алданганликларини таъкидлаш билан бирга, ўз айбларига иқдор бўлдилар. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега тоғни урса талқон қиладиган бу ёш йигитлар ана шундай қабих ишларга қўл урганлар? Нега улар бундай нопок йўللарга кириб қолганлар? Ахир улар ҳам шу юртнинг фарзандлари-ку. Улар ҳам миллионлаб ёшларимиз сингари ҳуқуқимиз гамхўрлигидан фойдаланиб тегишли касбни эгаллаб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшсалар бўларди-ку! Минг афсуски, улар ана шундай тўғри йўлдан бормай, жиноят қўчасига кириб қолди. Энди уларнинг ҳар бири одил суд олдида жавоб бермоқда, ўз қилмишига пушаймон бўлмоқда.

**Турсунбой БОТМРБЕКОВ,**  
ЎзА мухбири.

## Тезкор шарҳ

Кунинча Индонезияда умумий парламент сайлови бўлиб ўтди. Мазкур тadbир сўнгги кирк йилдан ортиқроқ вақт давомида ушбу мамлакатда ўтказилган биринчи демократик сайловлиги билан аҳамиятлидир.

Индонезияда Сухарто ҳукмронлиги йилларида ҳокимият тизини фақат Голкар блоки қўлида бўлиб келди. Бироқ ўтган йилнинг май ойида Сухарто истеъфога чиқишга мажбур бўлган, унинг ўрнини эгаллаган Хабибий мамлакатда ҳақиқий демократик парламент сайлови ўтказилишини маълум қилди.

Индонезиянинг янги асради тақдирини белгилаб бериши керак бўлган парламент сайловида кирқ саккиз сиёсий партиядан номзод қатнашди. Бунча миқдордаги сиёсий гуруҳнинг ҳокимият учун курашиши Сухарто ҳукмронлиги барҳам топилган сўнг мамлакатда сиёсий фаолият юритиш учун катта эркинликлар пайдо бўлгани ва шу билан бирга, аҳоли ўртасидаги ижтимоий кескинликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган сиёсатчиларнинг қўлпайгани билан изоҳланади.

Сайлов арафасида қўлаб маҳаллий ва хорижий кузатувчилар унда асосий кураш муҳолифатдаги Индонезия демократик партияси (ИДП) ва ҳукмрон Голкар блоки ўртасида бўлишини баъшорат қилган эди. Ўтказилган сайловларда маълум қилди.

## ИНДОНЕЗИЯДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

Индонезияда Сухарто ҳукмронлиги йилларида ҳокимият тизини фақат Голкар блоки қўлида бўлиб келди. Бироқ ўтган йилнинг май ойида Сухарто истеъфога чиқишга мажбур бўлган, унинг ўрнини эгаллаган Хабибий мамлакатда ҳақиқий демократик парламент сайлови ўтказилишини маълум қилди.

Индонезиянинг янги асради тақдирини белгилаб бериши керак бўлган парламент сайловида кирқ саккиз сиёсий партиядан номзод қатнашди. Бунча миқдордаги сиёсий гуруҳнинг ҳокимият учун курашиши Сухарто ҳукмронлиги барҳам топилган сўнг мамлакатда сиёсий фаолият юритиш учун катта эркинликлар пайдо бўлгани ва шу билан бирга, аҳоли ўртасидаги ижтимоий кескинликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган сиёсатчиларнинг қўлпайгани билан изоҳланади.

қисмлар вакиллари савфарбар қилинди. Қўрилган чора-тadbирлар ижобий натижа бергани парламе-

натижалари муҳолифат вакилларининг Индонезия парламентидеги 462 ўриннинг салмоқли қисмини қўлга киритиш имкони борлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу ерда «агар муҳолифат сайловда ғолиб чиқса, амалдаги ҳукумат унинг натижаларини тан олармикан», деган савол кўндаланг бўлиши табиий. Лекин ҳукмрон Голкар блокнинг марказий бошқарув кенгаши аъзоси Марзуки Дарусман «Си-Эн-Эн» телекомпаниясига берган интервьюсида, сайловда, ҳатто унда Голкар мағлубиятга учраса ҳам, сайлов натижасини тан олишини маълум қилди. Биз сайловда имкониятни бой берган тақдирда, ғолиб партия билан миллий бирлик ҳукумати тузиш бўйича ҳамкорлик истиқболларини ҳам кўриб чиқмоқдамиз, деди у.

Индонезияда парламент сайлови жараёнини кузатар экан, халқаро кузатувчилар унинг анча демократик руҳда ўтганини қайд этмоқда. Бу ҳолат ҳукмрон Голкар партияси вакилларидан иборат амалдаги ҳукумат мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий барқарорлик қарор топишини ўзининг баъзи сиёсий мақсадларидан юқори қўяётганини кўрсатади.

Сайловнинг дастлабки

**Анвар КАРИМОВ,**  
ЎзА шарҳловчиси.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ



## 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Устюртдан мактуб

### «БОРСАКЕЛМАС»ДА БАХТ ТОПГАНЛАР

**Йигирма миллион гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган Устюрт пасттексислиги бағрида ер ости бойликлари беҳисоб. Уларни излаш, қазиб олиш ва эл-юрт манфаати йўлида фойдаланиш учун асосий ишлар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина бошланди.**

**Бугун Устюрт саҳроси кўйида жойлашган бойликлар макони-беҳисоб туз кони «Борсакем» хусусида сўз юритмоқчимиз.**

«Борсакем»... Бу ном бекорга қўйилмаган. У тилга олинган заҳотиёқ инсон бадани титраб кетади. Чунки ким бу маконга борса, унинг қайтиши амри маҳол бўлган. (Лекин биз сўз юритаётган туз конини Орол денгизининг шимолӣ - ғарбий қисмида, яъни Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти таркибидagi чўл ҳудудида жойлашган орол билан адаштирмалик керак. Мазкур оролда 1939 йили ташкил этилган майдон 18,5 минг гектар майдонни эгаллаган машҳур «Борсакем» кўриқхонаси бор). Мамлакатимиздаги энг йирик туз кони жойлашган «Борсакем» эса Устюрт пасттексислигининг жанубий-шарқий қисмидаги шўрхок. Тектоник букилиш натижасида ҳосил бўлган кенг ассиботик. Уни шимол ва шарқдан Устюрт пасттексислигининг баланд тепалари, жанубдан Қорабувор қирлари ўраб туради. Кўрнинг қия қирғоқларини шўр ва балчиқли гипс аралаш кум қоплаб ётади. Эни 200 километргача чўзилган. Туз конининг теранлиги 25 метрдан ҳам чуқурак. Ота-боболаримиз бу ерда бел ва кетмонлар билан туз қазиб олиб, от ва туялар карвони билан овул ҳамда кентларга ташишган.

Бугун «Борсакем» тузи - фан тили билан айтганда: натрий хлориддан янада юксакроқ мақсадлар учун фойдаланиш кўзланаяпти. Шу мақсадда 1998 йил 10 март куни «Борсакем» атрофларининг асрий сукунати бузилди. Бу ерга инсонлар қудратли техникалар келтириб, иморатлар қурилиши учун ер қазиб ишларини бошлаб юборишди. Эндиликда коннинг тузи нафақат мамлакатимизда, балки Ўрта Осиёда ягона бўладиган, йигирманчи аср қурилиши деб ном олган Кўнгирот сода заводи учун энг асосий хомашё сифатида фойдаланилади. Ҳозир бу ерда «Оролсувуқурилиши», «Қорақалпоққавтой» «Қорақалпоқроқурилиши», «Жанубийгазқурилиши», 260-қурилиш монтаж поезди, электр энергиялари, темир йўл ва сув тортиш билан шугул-

ланувчи йигирмадан ортиқ ташкилотларнинг махсус бўлиналари вахта усулида меҳнат қилмоқда. Беш минг аҳолига мўлжалланган ишчилар шахарчасининг биринчи навбати қуриб битказилди. Болалар боғчалари, 420 ўринли мактаб, ўнлаб маиший, тиббиёт, маданий, савдо хизматлари кўрсатиш нуқталари фойдаланишга топширилди. Ҳозир ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш тезкор тарзда олиб борилаёпти...

Кўнгирот шахридан 40 километр ғарбда, «Кўнгирот-Бейнеу» магистрал автомобиль йўлининг шундайгина бўйига жойлашган саноат гиганти учун асосий хомашё етказиб берувчи «Борсакем»да ҳам қурилиш авжида. Бу ерда асосан «Кўнгиротсода» бошқармасининг махсус бригадалари ишлаяпти. Улар жуда мураккаб об-ҳаво шароитида бир маромида меҳнат қилмоқда.

«Борсакем» конида ишловчилар учун 120 кишига мўлжалланган ётоқхона, маъмурий бино, автосарой, ёнгинга қарши кураш пости, иситиш маркази, ёнилги ва мойлаш материаллари учун омборхона қурилди. Ҳозир ясси тоғдаги сувни чўчуқлаштириб берувчи «ЭКОС» ускуналари ўрнатилаёпти, локоматив депоси қурилиши бошланди.

Устюртдек ҳар куни ўзгарувчан об-ҳаво шароитига эга саҳрода, устига-устак чексиз-чегарасиз ҳудудда ишлаш, бошқа жойлардагига нисбатан жуда оғир. Шунинг учун ҳам «Кўнгиротсода» бошқармаси маъмурияти, унинг бош муҳандиси Эсон Темирбоев раҳбарлигида бу ерда бунёдкорлик ишлари олиб бораётган салкам юз нафар оташқалб йигитлар учун яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб беришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйишди. Иш ҳақи ўз вақтида бериб берилмоқда. Дам олиш ўринлари муҳайё. Шунинг учун ҳам бригада бошлиғи Янгибой Нуржонов, иш юритувчи Аскар Сейитжоновлар раҳбарлик қилган жамоа аъзолари қатъий белгиланган график асосида ишлаяпти. Оддий қурувчи Илёр Сароманшиев эса суръат ва сифатда ҳамкасбларига ўрнак бўлаёпти.

Бугун Устюрт саҳроси ичкарироғида, «Борсакем» атрофларида зарбдорчасига меҳнат авжида. Қўли гул қурувчилар илгариги борсакемлашни борса бахт топадиган маконга айлантираёпти. Уларнинг мамлакат мустақиллиги 8 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида қилаётган бунёдкорлик ишлари шундан далолат бериб турибди.

Абду РАҲМОН,  
«Ишонч» муҳбири.

Тошкент туманидаги «Баҳром ота» фермер хўжалиги шу йил Олмалик шаҳрида ўтказилган «Ташаббус-98» кўрик-танловининг голиби бўлди. Фойдалар ишларини бориб кўрингга, икки гектарлик иклимхонада пешма-пеш помидорлар пишиб ётибди. Очиқ далага қарам, картошка, пиёз экилган. Янги ташкил этилган икки ярим гектарлик боғда олма, гилос, шафтоли, олхўри, ўрик каби дарахт кўчатлари барқ уриб ўсмоқда. Бир томонда яна икки гектарлик иссиқхона жадаллик билан бунёд этилмоқда. Хўжалик даласининг кунчиқар қисмига кичик чорва фермаси жойлашган ва унда 50 бош зотли қорамол боқилмоқда. Фермер хўжалигига қираверишдаги мўъжазгина новвойхонада ҳар куни 1 тонна ун ишлатилади. Булар ҳали ҳамир учидан патир. Ҳозир бу ерда ўн беш одам ишламоқда. Фермер хўжалигининг бошлиғи Ислому Аҳроровнинг айтишича, йил охиригача яна шунча, балки ундан кўпроқ иш жойи яратилади. Бир-икки йил ичида мазкур жамоа юз киши атрофида бўлади. Ислому Аҳроров уларнинг тўқ ва фаровон яшашини таъминламоқчи. Тадбиркорона меҳнатни ташкил этиб, катта даромадлар олиб хизматчиларни ихтимойи ҳимоянинг бар-

ча турлари билан қамраб олишни қалбига тугиб қўйган. Мана ҳозирданок бу эзгу ниятларини амалга ошира бошлади. худуддаги уч боғчани оталиққа олишган. Уларни ниҳоятда арзон баҳода гўшт, сут, деҳқончилик неъматлари билан таъминлашмоқда. Шу атрофдаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериб борилапти. Муҳаммадҷон Фозилов номли жамоа хўжалиги худуди-

айтган ишини кейин ҳам қилаверасан. Ҳукумат фермер хўжаликларини ташкил этишга катта эътибор бераёпти. Асли деҳқон фарзандисан, шу ишни қилгин, аминман қўлингдан келади. Нима ёрдам керак бўлса, биз тайёр, -деди туман ҳокими.

Шу бўлди-ю, у фермер хўжалигини ташкил этиш ҳаракати тугиб кетди. Ахир унинг отаси катта деҳқон ўтган. Мен тирикчилик



## МУНАВВАР ТОЛЕ

да жойлашган туман шифонасини таъмирлаш учун 189 минг сўм ажратилди.

Ислому Аҳроров табиатан камтар, хушқачқак, ишлаб, югуриб-елиб чарчамайди, хайрли ишларга дарров бош қўшадиган қўли очик йигит. Шунинг учун ҳам иши юришиб кетди-да, кексаларнинг кўп дуосини олган дейишди одамлар.

Ислому Аҳроров мустақил бўлиб, тадбиркорлик ҳаракати бошлангач, замонавий касба қўл урди. Кенг халқ истеъмолчи моллари ишлаб, чиқариш корхонасини ташкил этиш режаларини туза бошлади.

Аслида шу ерда кераксан-у, лекин катта йўлдан қайтариш ҳам бўлмайдиган,

деб ўқийлмадим, сен ўқигин деб қайта-қайта насиҳат қилган эдилар, Баҳром ота. Ўқиди. Қишлоқ хўжалиги билим билан ёндошди. Мўл-кўччиликка, халқ фаровонлигига хисса қўшди. Падари-бузрукворининг руҳи шод бўлди. От босмаган йўлларни той боссин дейишди-ку.

У ўзи яшаётган «Тошкент» жамоа хўжалигидан жой сўради. Унга ўн гектар ер беришди. Лекин бу иш «тоққа чиқмасанг, дўлона қайда»дан бўлди. Сув етишмайди, анча ҳоли кетган ер тегди. Чунки, яхши ерларнинг эгаси бор. Ким унга ўн гектар гўлдек жойни қўшқўлаб тутқизади. Энг муҳими, яхлит ер. Бир қисми ахлатхонага айланиб кетган экан. Уларни тозаледи. Пастдаги зовурдан тепаликка - 400 метрга қувур тортиди. Насос ўрнатди. Ерларни сурди, мелиоратив ҳолатини яхшилаш бошлади, босиб гўнг тўқди. Марҳум отасининг ўғитларини эслади. Ерни боқсанг, у сени боқади, элни боқади, рўшнолик қўрсан... Дастлабки 1994 йилда далага сабзи, пиёз, картошка ва бошқа экинлар эқди. Осон бўлмади. Оиласи билан ёпишди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларидек, дўстлари четда туришмади. Топган-тутганини иссиқхона қуришга ура бошлади.

Икки гектарлик иссиқхонадан жуда юқори ҳосил ҳисобларилмоқда. Ўтган йили 500 минг сўм соф фойда олишган бўлса, бу йил бир

ярим миллионлик маррани қўлаб туришибди.

Давлатимиз фермер хўжаликларини ривожлантириш учун жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди Ислому Аҳроров, — кўп шароитлар, қулайликлар тугдириб берилмоқда. Ҳозир фермер хўжаликлари учун ягона солиқ тизими жорий этилган. Солиқ миқдори поғоналаштирилган. Шунинг учун биз учун жуда қулай бўлди. Яқинда «Бизнес-фонд» орқали 20 миллион сўмлик имтиёзли сууда олдик. Бу ҳам жуда зўр имконият.

Ҳа, 20 миллион сўм. Уни олишнинг ўзи бўлмади. Фермер керакли ташкилотларга хужжат тайёрлади, неча жойда ўзига хос «имтиёхон» топширди. Шунинг ўзи мазкур фермер хўжалигининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб турибди.

Ислому Аҳроров тасарруфидagi хўжаликни кўп тармоқли қилиб яратмоқда. У тумандаги Муҳаммадҷон Фозилов номли жамоа хўжалигидан зотдор молларни сотишни илтимос қилди. Жамоа хўжалиги раҳбарияти ҳам хайрли иш қилиб, оқ-қора зотли қорамоллардан сотди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги билан ҳам шартнома тузди. Дастлаб 1996 йил 5-6 бош қорамол билан чорвачилик бошланган бўлса, ҳозир 50 бошга етди. Йил охиригача 100 бошга етказиш мўлжалланмоқда. Ҳозир икки юз бош қорамол боқиш учун чорвачилик биноси босқичма-босқич бунёд этилмоқда.

Олинган 20 миллион сўм келаси катта даромадлар учун замин сифатида турли шаклларда қад кўтараяпти. Шу жумладан, 2 гектарлик яна бир иссиқхона қурилиши бошлаб юборилди. Туман ҳокимиятига яна 20 гектар ер ажратиш ҳақида муражаат этди.

Ислому Аҳроровнинг дилига туккан режалари кўп. У вилоятдагина эмас, республикада энг яхши тадбиркор фермер хўжаликларида бирини яратмоқчи. Лизинг асосида сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех қуриш учун елиб-югуриб юрибди. Анчайин хужжатларни тайёрлаб қўйган. Унга чет эл сармоясини эмас, эл-моқчи. Хўжаликдаги сигирлар сўтидан чет эллардаги каби чиройли қадокланган турли-туман сўт маҳсулотларини тайёрловчи қўшма корхона ишга тушиши керак.

Шуниқанда айтганимиздек, сув анча нарида ва пастда бўлгани учун насослар ёрдамида, аввал катта ховузга сув келиб тушади. Фермер шу ховуздан ҳам икки томонлама фойдаланимоқчи. У ерда етти хазинанинг бири бўлган балчиқчиликни ташкил этмоқчи.

Тадбиркор янги ерни ўзлаштириб, янги йилдан шу ерда ёпилаётган нонлар уни учун ўз буғдойини етиштиришни режалаштирган. Қасаначилик асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қурилган ҳам оқ қолди. Бир қисм мосламаларни сотиб олди. Унда ўрин-қўрпа чойшаблари, иш қўлқоплари, махсус иш кийимлари тикилади.

Будир ПЎЛАТОВ.

### САРА ПИЛЛА

Анджон вилояти пиллакорлари маррага етди. Мавсумда парваришланган 45 минг 732 қути кўрт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 55,7 килограмдан ҳосил олинди. Қабул пунктларида 2 минг 270 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди.

Вилоят «қумуш тола» ижодкорлари давлатга яна 250 тонна пилла етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

### «ТАБИАТ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА»

Ўзбекистон ёшларининг «Биоэко» уқув-услубий мажмуида ана шу мавзуда республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унинг қатнашчилари экология ва атроф муҳитнинг инсон организмга таъсири тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Сўнгра шўбларга бўлиниб, табиат ва инсон орасидаги муносабат, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни қўриқлаш ва муҳофаза этишнинг илмий-амалий асослари каби мавзулардаги машғулларда қатнашдилар.

(ЎЗА)

### Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

**Китоблик Тўракул ака Хамроев кўпдан бўён режалаштириб юрган ишини амалга ошириб. Макрид канали устига ўз шахсий жамғармаси хисобидан кўприк солиб, эл дуосини олди.**

— Хўжалигимизда 400 дан ортиқ оила истиқомат қилади, — дейди ширкат раиси Аҳрор Ҳамдамов. — Ҳар бирининг ўзига яраша ташвиши бор. Бозор иқтисодиёти шароитида эса ҳатто гиштни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш учун ҳам маблағ зарур. Барака топкур Тўракул ака кўпчилик узогини яқин қилди.

Тўракул ака Хамроев оила аъзолари ва укалари билан барпо этган кўприк учун камида 200 минг сўм маблағ сарфлади. Хўш, пенсионер одам уни қаердан олди? — Эски енгил маши-

намни сотиб, ёнига пул қўшиб автобус олдим, дейди у. — Ўғлим Елқин ҳайдовчи эмасми, кооперативга аъзо бўлиб, Китоб-Мираки йўналиши

керак эди. Айниқса, қария, аёллар ва болаларга қийин. Шунинг учун савобли ишга бел боғладим. — Тўракул ака маҳалламиздаги энг саховатпеша инсонлардан бири, — дейди ён қўшниси Султонмурод Мирзаев. У киши нафақат кўприк қуриш билан

тош тўктириб текислатди. Ўттиз олти йил хўжаликда турли вазифаларда меҳнат қилиб, ҳамқишлоқлари хурмат-эътиборини қозонган Тўракул аканинг яшаш тарзи билан танишдик. Оддийгина уйи таъмирталар, лекин саранжом-сарийшта. Тийибтинчимайдиган бу инсон

## ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИБ

бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатди. Даромаддан солиқ ҳам тўланади. Макрид каналдан катта йўлга чиқиб учун камида 5 километр ортиқча йўл босиш

кифояланди, балки ўз хисобидан симёғоч ўрнатиб, қишлоқни электр энергияси билан таъминлади.

Шунингдек, қишлоқ марказидаги янги кўчага ҳам

турмуш ўртоғи Жамила опа Саломова билан 8 нафар фарзандни одобли, ишбилармон қилиб тарбиялаганидан мамнун.

— Хўжалигимизда 11400

нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги касабакўм раиси Қарҳор Розиков. — Уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун имкониятлар яратилган. Тўракул аканинг амалга ошираётган ишлари кўп-ларга ибрат бўлаёпти. Оила даромадидан шахсий трактор сотиб олиб, қишлоқдошларидан кўмагини аямаяпти. Кимки бирор юмуш билан муражаат қилса, имкон топиб уни тезда бажаришга ҳаракат қилади.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Юртбошимизнинг ана шу даъватига лаббай деб жавоб бераётган Тўракул ака олдида энди қишлоқни газлаштириш билан боғлиқ масала турибди. Демак, уни яна эл дуо қилиб, олқашига шубҳа йўқ.

Шавкат СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

Суратларда: Хўжалик касабга уюшма кўмитаси раиси К.Розиков Т.Хамроев билан галдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Макрид канали устига қурилган кўприк.

Муаллиф олган суратлар.

### Қувноқ ёз - ўтади соз!

## БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

**Ўлкамизга файзу-баракот билан ёз фасли ҳам кириб келди. Ана шу файзли фаслда, келажакимиз бўлган болажонларимизни табиатимизнинг энг хушхаво гўшаларида дам олдиртириш халқ таълими ходимларининг биринчи галдаги вазифаларига айланди.**

Денов тумани халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси туман кўмитаси яқинда 5 та умумтаълим ўрта мактаблари қошида шу йилнинг 1-21 июнь кунлари фаолият юринадиган болалар оромгоҳларини ишга туширдилар.

— Бу йил ўрта мактаблар қошида 350 ўринли 5 та оромгоҳ иш бошлади. Ҳар йилгидан кўра яхши шароит яратдик. Оромгоҳлар қошида бассейнлар, душлар, кино томошагоҳ, дам олиш хоналари, спорт майдонлари билан таъминланган. Оромгоҳларимиз қошида бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги ишлар турибди. Ҳар уч кунда яқин атрофдаги хушманзара табиат қўйида савёҳатлар уюштирилиб борилмоқда. Ота-оналар учун ҳам қулайлик яратганмиз. Ҳар бир ўқувчига йўлланма баҳосини 306 сўм қилиб белгиланганмиз. Бундай ғамхўрликни туманимиз халқ таълими бўлими раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширдик. Энг муҳими, бу йилги серқуёш ёз, болаларимиз учун соз ўтишига шубҳа йўқ, дейди-таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Денов туман кўмитаси раиси А.Ибрагимов. — Оромгоҳимизда 50 болага барча қулайликлар яратилган. Улар 3 маҳал иссиқ овқат, ширин чой, дармондориларга бой меваларни истеъмол қилишмоқда. Кун тартибига киритилган барча юмушлар ўз вақтида бажарилаёпти. Энг муҳими, болажонларимиз ҳар куни тиббиёт ходимлари назоратида бўлишади. Ёзги дам олдиртиш мавсуми ҳар йилгидан кўра ҳам Деновда файзлироқ бошланди.

Рустам ДАВЛАТ  
«Ишонч» муҳбири.

Янги шеърлар Йўлдош СУЛАЙМОН

ОРИЯТ

Ногоҳида фидойи шиддат,
Ҳиллари ҳам аллға яраша.

ДИМЪА ҚУЛОҚ ТУТАД

Суюниб бўлмайдн суюксиз тилга,
Оқил аввал қулоқ тутатди дилга.

ҚУШАЛОҚ ҒУЛ

Вужудимга сиймай дардим,
Хаёл суриб ўтирардим -

ҚОЧҚИНА

Дашту биёбонда юрган жонивор,
Ўрмалаган катта-кичик жони бор -



Энг сўлим оромгоҳлар
Кучоқ очди бизларга.
Биздан чўчиб қочмангиз,
Дўст бўламиз сизларга.

X.АВВАЛОВ олган сурат.

«Ҳамшира-99» танлови

Республика соғлиқни сақлаш тизими ишлари-
ни ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрса-
тишни жаҳон андозалари микёсига кўтаришда

— Биз аёллар қайси
ишга қўл урмайлик, жо-
рий йилни «Аёллар йи-
ли» деб эълон қилган

мойиши янада қизгин,
янада марокли бўлди.

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАДИ
ЖИЗЗАХ

шунга муносиб бўлишга
ҳаракат қиламиз. Она,

кўрсатиш, бахтсиз тасо-
дифлар пайтидаги бирин-
чи кўмак, болалар бахтсиз

ривованинг «Тановар»га
хиромини кўрганларида
тасанно айтилди.

Ҳар тўғрида
АЛЛОМА
ПИФАГОР
ДЕЙДИКИ...

\* Ердан йилига бир
марта ҳосил олинса,

\* Бетайин дўстинг
маслаҳатига кириш,

\* Ҳеч қачон адолат
чегарасидан ташқари

\* Ҳаётнинг дўстинг
маслаҳатига кириш,

\* Инсонни ярамас
сўзлар айтиб кўпчилик

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

\* Бирор иш қилмоқ-
чи бўлсанг, уни то

\* Денгизда сузиб юр-
ганда, кемани бошқарув-
чи дарганинг сўзига

шунга муносиб бўлишга
ҳаракат қиламиз. Она,

кўрсатиш, бахтсиз тасо-
дифлар пайтидаги бирин-
чи кўмак, болалар бахтсиз

ривованинг «Тановар»га
хиромини кўрганларида
тасанно айтилди.

Қабоҳат

Наманган каналидан

ўрта ёшли эркак жасади
топилиди. Дархол мутасад-
ди идора ходимлари оёқ-

айланиб юрибди. Раҳим
панада ўтиравериб зерик-
ди, шекилли, гап қотди:

— Ана, қора рангли
«Нексия» турибди, ўшани
тинчитамизми ёки ёнида-

— Жинни бўлдингми?
Сичқонни ўлгиси келса,

— Баҳодир Қозоқов ўзини-
нг «Москвич-412 русумли И

ёндиргични ёқиб, салонни
синчиклаб қаради. Орқа
ўриндикдаги чит рўмолга

Шокир яна машинани
тўхтатишни илтимос қил-
ди. Ҳанда 25 май, соат

— Ҳанда 25 май, соат
туңги 1.30 лар эди. Бу са-
фар у пастга тушмади. Ак-

сасидан 480 сўм чиқди.
Пулни олишгач, мурдани
иккови даст кўтариб, чу-

Котиллар ишнинг му-
ваффақиятли чиққани-
дан хурсанд бўлиб ма-

Дастлабки тергов вақ-
тида Ш.Парпиев ўзини
беғуноҳ қилиб кўрсат-

Бу ишни
Акмал билан
Раҳимлар қил

мади. «Ўйинга кирдинг-
ми, энди чиқиб йўқ. Бор-

Шокир ана шу йўл бил-
лан шахсий адроватда
бўлган А.Қаюмовдан уч

Бу борадаги ёлгон кўр-
сатмалари, ҳийла-
найранглари ўтмади.

Наманган вилоят суди
мазкур иш юзасидан ҳук-
ми ўқиди. Одил судлов

Жиноятчилар темир
кафас ичида қилган иш-
ларидан афсусланиб,

Машина вилоят сув хў-
жалиги шифохонаси олди-

Баҳодир ХАМИДОВ.

ТУНГИ «ОВ»

Бемақсад кўча тенгираш ёшларни
жиноятга етаклади

24-08 НА» давлат белгили
автоматинасида йўл чети-
да турар эди. Шокир унга

— Ака, бизни «Ором-
гоҳ»га ташлаб қўймайсиз-
ми? Қанча десангиз, бера-

Баҳодир миҳоз топил-
ганидан хурсанд бўлиб ка-
литни буради. Машина

— Илтимос, бизни Ян-
гикўрғонга ташлаб қўйсан-
гиз. Унчалик узоқ эмас,

Хайдовчи йўловчиларни-
нг қабих ниятидан беҳа-

Катта шахар тун оғу-
шида. Йўлларда катнов

синча, зудлик билан қўли-
даги сиртмоқни Баҳодирни-
нинг бўйнига солди. Икки

Шокир ана шу йўл бил-
лан шахсий адроватда
бўлган А.Қаюмовдан уч

Бу борадаги ёлгон кўр-
сатмалари, ҳийла-
найранглари ўтмади.

Наманган вилоят суди
мазкур иш юзасидан ҳук-
ми ўқиди. Одил судлов

Жиноятчилар темир
кафас ичида қилган иш-
ларидан афсусланиб,

Машина вилоят сув хў-
жалиги шифохонаси олди-

да дунё таснифиди биринчи ўринда турган швейца-
риялик Мартина Хингис ва теннис оламини катта ма-
векега эга бўлган германиялик Штеффи Граф ўртасида

«Ҳақиқатан ҳам, финал учрашуви кўпball кутилмаган
вазиятларга бой бўлди. Аввалиги Мартина Хингис

Айтиб ўтиш жоизки, Ш.Граф «Катта дубулға» тур-
нирларида 22 марта голиб чиққан. Мартина Хингис

«Шарқ нарийи»-матбиа концерни
Басмахоноси, Корхона манзили:
«Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.